

Англия мусулмонлари закоти ошмоқда



17:22 / 26.06.2023 1283

Молиявий инқироз бўлаётган бир пайтда ,Англия мусулмонлари ҳар доимгиданда кўпроқ маблағларини хайрия қилишаётгани аниқланмоқда.

Англиядаги мусулмон қатламни молиявий томондан қўллаб қувватловчи Миллий хайрия қўмитаси маълумотига кўра,Бирмингем етакчилар қаторида ҳисобланади.

"Биз ҳар доимгидан-да кўпроқ инсонлар хайрия учун ёрдам беришаётганига гувоҳ бўляпмиз. Ўтган йилги ҳисоб-китобларга кўра,ҳар 30 дақиқада 1 та инсон закот бериш учун Миллий хайрия қўмитасига мурожаат қилишарди"-дейди Миллий хайрия қўмитаси раиси доктор Соҳаил Ҳаниф .

"Бугунга келиб, энди ҳар 12 дақиқада битта инсон тўғри келяпти. Авваллари хайрия қилмоқчи бўлганларнинг кўп қисми мусофирлардан иборат эди, ҳозир 70% хайрия қилувчилар Англия фуқароларидир. Яъни, Англияда туғилган ва шу ерда яшовчилар ".

Англияда хизмат кўрсатиш ва товарлар нархи охириги қирқ йилликда жадал суръатларда ошиб бормоқда. Йиллик инфляция миқдори 2023 йил апрелда 7.8%га тўғри келган бўлса, май ойида бу кўрсаткич 7.9%га тўғри келмоқда .

Миллий хайрия қўмитаси молиявий инқирозни 50% мусулмонларнинг камбағалликда яшашларининг асосий омили сифатида кўрсатмоқда .